

**“Маъмурий тартиб-таомиллар ва маъмурий суд ишларини юритиш”
мавзусида ўтказилган семинар яқунлари юзасидан**

МАЪЛУМОТНОМА

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида 2019 йилнинг 22 октябрь куни “Маъмурий тартиб-таомиллар ва маъмурий суд ишларини юритиш” мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Семинарда Германия Федератив Республикасининг Федерал ижтимоий судининг вице-президенти Томас Фёльцке, Халқаро ҳуқуқий тадқиқотлар ва қиёсий оммавий ҳуқуқ маркази директорининг ўринбосари Игорь Цай, шунингдек, “Марказий Осиёда ҳуқуқий давлатчиликка кўмаклашиш” GIZ дастури директори Йорг Пуделька, “Марказий Осиёда ҳуқуқий давлатчиликка кўмаклашиш” GIZ дастури раҳбари (Латвия) Кристин Коре-Перконе ҳамда Олий мактаб ходимлари ва магистр тингловчилари иштирок этишди.

Мазкур семинарнинг асосий мақсади “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонунни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексини таҳлил қилиш ва уларни амалиётда қўллашда юзага келадиган муаммоларни муҳокама қилишдан иборат.

Семинар давомида 2018 йил 8 январда қабул қилинган “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуннинг мазмун моҳияти, маъмурий тартиб-таомилларнинг асослари, принциплари, маъмурий тартиб-таомилларнинг амалга оширилиши, маъмурий акт, маъмурий акт устидан судга шикоят қилиш, суд томонидан шикоятларни кўриш тартиби ва бошқа асосий ҳолатларга эътибор қаратилди.

Германиялик экспертлар томонидан маъмурий тартиб таомилнинг келиб чиқиш тарихи ва ривожланиши, маъмурий тартиб таомилларни ўтказишнинг умумий шартлари, принциплари, маъмурий акт ва шикоят қилиш тартиби шунингдек Германия судлари томонидан маъмурий ишларни кўриш амалиётига эътибор қаратилди.

Қонун маъмурий органлар томонидан манфаатдор шахсларга сифатли хизматлар кўрсатишда маъмурий тўсиқ ва чекловларни бартараф этишга кенг имкониятлар яратади. “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунни амалиётга тўғри тадбиқ этиш орқали маъмурий органлар томонидан маъмурий ҳужжатларни қабул қилиш жараёнини ягона тизимга солиниши ва энгиллаштирилиши сабабли давлат органларининг фуқаролар ва ташкилотлар

билан бўлган муносабатларининг қонунийлиги ва шаффофлигини таъминлашга хизмат қилиши кераклиги такидланиб ўтилди.

Мазкур семинарда Судьялар олий мактаби тингловчилари фаол иштирок этиб, шу йўналишда Германия тажрибасини чуқурроқ ўрганиш орқали билим ва кўникмаларга эга бўлишди. Тадбир якунида тингловчилар ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирилиб, ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишди.





